Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2015-yil, 7-fevral. Shanba • 16 (31.919) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

САЙЛОВ — 2015

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАРГА МУНОСАБАТИ

## ва сиёсий партиялар фаолияти ҳақидаги хулосаси сайлов жараёнларида яққол намоён бўлади

29 МАРТ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТАДИ. МАЪЛУМКИ, МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАН БОШЛАНДИ. АЙНИ КУНЛАРДА БАРЧА ҲУДУДЛАРДА САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРИБ БОРМОҚДА.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

2

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!

**Ўзбекистон халқининг фахру ифтихори, 2009 йил Лондонда ўтказилган халқаро танловнинг мутлоқ ғолиби Беҳзод Абдураимов ҳақида дунёнинг энг машҳур нашрларида мақолалар чоп этилмоқда.**

# БЕҲЗОДНИНГ БЕТАКРОР КУЙЛАРИ

## Лос-Анжелесда яна бир бор жаранглайди



Яқинда Беҳзоднинг Лос-Анжелесга ташрифи ҳақида «Los Angeles Times» нашрида мақола эълон қилинди. «Пианиночи Беҳзод Абдураимов яна жанубда» деб номланган мақолани қисқартирилган ҳолда газетхонларимиз эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

«Ўзбекистонлик Беҳзод Абдураимов 24 ёшда. У яна бир бор Лос-Анжелесда концерт берадиган бўлди. Унинг ёздаги «Hollywood Bowl»даги чиқиши кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирган эди. Ўшанда ёш пианиночининг Чайковский куйларини юксак маҳорат билан чала олишига ҳамма тасанно айтганди.

Беҳзоднинг бошқа шаҳарларда берган концертларини Лос-Анжелес аҳолиси анчадан бери кузатиб келади. Унинг ижросидаги «Прокофьев концерт № 3»ни бетакрор, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бир қатор машҳур санъаткорлар йил давомида турли концертларда ушбу ижрони ўзига хос маҳорат билан тақдим этишди. Аммо уларнинг ижросини Беҳзодники билан умуман тенглаштириб бўлмайди.

Лос-Анжелесда яна бир бор Беҳзоднинг бетакрор куйлари жаранг сочади. Очиғини айтганда, лос-анжелесликлар унинг концертини интиқлик билан кутмоқдалар.

Беҳзод ижросидаги куйлар ёзилган компакт-дисклар кузда сотувга чиқди. Қайд этиш жоизки, улар тез орада қўлма-қўл бўлиб кетди. Ўзбекистонлик мусиқачи ўзининг ақлга сиғмайдиган даражадаги юксак маҳорати билан барчани ҳайратлантиради. Ундаги динамика, ажойиб тезликка беихтиёр қойил қоласан. Беҳзод ўзи чалаётган куйни жуда яхши ҳис қилади, куй фортепьянодан худди нурдек таралади. Унинг барча концертларининг якуний қисми ҳам жуда ажойиб ниҳояланишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бугунги кунда ўзбекистонлик мусиқачини бутун дунё олқишламоқда. Ундаги буюк иқтидор барча мусиқа ихлосмандларини ҳайратга солмоқда.

Дунё олимлари куйни маҳорат билан чалиш учун, биринчи навбатда, мусиқачининг жисмоний имкониятлари юқори бўлиши кераклигини доим таъкидлаб келишган. Беҳзоднинг жисмоний ҳолати ҳавас қилгулик даражада. Айниқса, унинг чап қўли жуда юқори тезликда ҳаракатланади. Шу боисдан ҳам ўзбекистонлик пианиночи бошқа ҳамкасбларига нисбатан жуда юксак марраларни забт этмоқда...»

**Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси IX қурултойи делегатлари диққатига!

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IX қурултойи 2015 йил 9 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳридаги Халқаро Ҳамкорлик Марказидаги Алишер Навоий мажлислар залида ўз ишини бошлайди.**

**Делегатлар 9 февраль куни эрталаб соат 9:30 дан Халқаро Ҳамкорлик Марказининг 7-қавати фойесида рўйхатга олинади.**

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# Миллат даҳосининг тимсоли

**Мустақиллик йилларида халқимизнинг асрий орзулари амалга ошди. Фахру ифтихоримиз, миллий ғururимиз бўлган Алишер Навоийнинг руҳи шод этилди. Маънавий юксалиш миллий тараққиёт билан чамбарчас олиб борилди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир.**

3

ФУТБОЛ

# Осиё чемпионати: якун, хулоса ва таклифлар

***Австралияда XVI Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Финалда мезбонлар Жанубий Корея терма жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, илк маротаба бош совринга сазовор бўлди. Бирлашган Араб Амирликлари вакиллари ироқликларни енгиб, ўз тарихида биринчи бор бронза медали билан тақдирланди.***

Осиё кубоги баҳсларида олтинчи марта иштирок этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса бу гал мусобақанинг чорак финал босқичигача етиб борди. Бундан тўрт йил муқаддам Қатарда ўтган қитъа чемпионатида ҳамюртларимиз кучли тўртликдан жой олган эди.

*Бугун Осиё чемпионати якуни ҳақида эҳтиросларга берилмай холис фикрлашиш, хулосалар чиқариш имконига эгамиз. Миллий терма жамоамиз совриндорлар қаторидан жой олишига нима етишмади? Қандай камчиликлар кўзга ташланди? Миллий терма жамоамизни янада кучайтириш учун нималар қилиш керак? Бу ҳақда мутахассислар, мураббийлар, мухлислар фикри қандай?...*

► *Давоми 4-бетда.*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015

29 МАРТ

50

КУН ҚОЛДИ

### ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округида сайловни юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилмоқда. Округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари, котиби ва округ сайлов комиссияси аъзолари фаолият кўрсатиши ҳамда матбуот хизмати учун алоҳида хоналар ажратилган.

**Округ сайлов комиссия раиси Жавдатхон Иноғомов**нинг сўзларига кўра, сайлов тўғрисидаги қонунчиликни сайловчиларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриши учун зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Ҳозирда пойтахтимизда 653 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчилар белгиланган вақтда хабардор қилинади.

### САМАРҚАНД

Самарқанд вилоятида округ сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда округ ҳудудида сайлов участкаларини тузиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

— Вилоятдаги сайловчилар умумий сони 2 миллион 294 минг 602 кишини ташкил этишини инобатга олиб, округ бўйича 957 та сайлов участкаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган, — дейди **Самарқанд вилоят округ сайлов комиссияси раиси Яхшинор Аллаёров.** — Сайлов участкаларида сайловчилар учун барча зарур шароит яратилмоқда.

Анжуман доирасида округ сайлов комиссияси томонидан журналистлар учун брифинг ташкил этилди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил 16 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида раис, раис ўринбосари, котиб ва саккиз нафар аъзодан иборат 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси фаолияти ҳақида маълумот берилди.

### НАМАНГАН

Наманганда округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича долзарб вазифалар муҳокама этилди. Сайловни тегишли қонунчилик асосида, очиқлик ва ошкоралик тамойилларига таянган ҳолда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Айни пайтда вилоятдаги «Ёшлар маркази»да жойлашган 6-Наманган округ сайлов комиссияси зарур алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланган. Президент сайловида 1 миллион 713 минг нафардан ортиқ сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Сайловни ўтказиш учун эса 651 та сайлов участкаси тузилган.

— Сайлов билан боғлиқ барча тайёргарлик тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди **Округ сайлов комиссияси раиси Ғанижон Ортиқов.** — Эндиликда сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичларига пухта тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

**Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади.**

**Сайловга тайёргарлик ишлари тўғрисида таҳририятимизга хабар қилсангиз, миннатдор бўламиз.**
**тел.: (0-371) 233-10-13, 233-65-45 info@uzbekistonovozi.uz**

## «Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонида:





Қонунларнинг одамлар ҳаётига, сиёсий ва иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш — долзарб вазифа



■ Сиёсий партия фракцияси ва депутатлари фаоллиги парламент иши самарадорлигини таъминлайди

O`ZBEKISTON OVOZI
2015-yil 7-fevral. Shanba
16 (31.919)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Президент сайлови нафақат сиёсий жиҳатдан, шу билан бирга, ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳам муҳим воқеадир

САЙЛОВ — 2015

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ИСЛОҲОТЛАРГА МУНОСАБАТИ

## ва сиёсий партиялар фаолияти ҳақидаги хулосаси сайлов жараёнларида яққол намоён бўлади

Гап шу ҳақда кетганда, дастлаб бир масалага тўхталиш ўринли, назаримизда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлидаги ислоҳотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда, ҳаётимизда уларнинг самаралари яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, фуқароларнинг давлат бошқарувини ташкил қилишда иштирок этиш ҳуқуқини кафолатловчи сайлов тизими янада такомиллаштирилди, қонунчилик асослари мустаҳкамланди. Умуман олганда, фуқароларга сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, мамлакатнинг олий органларига вакилларини сайлаш, номзодларга овоз беришда қулай имконият яратилди.

Бу борадаги ислоҳотларнинг самаралари шунда кўринмоқдаки, юртимиздаги ҳар бир одамнинг ўзига, келажакка, умуман, ҳаётга муносабати ўзгариб бормоқда. Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти бунёд этилаётгани ҳақида ҳар бир фуқаро мустақил фикрига, тасаввурига эга. Лекин шуниси борки, ислоҳотлар, тушунча ва тасаввурлар ҳам ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмайди. Акс ҳолда, тараққиёт секинлашади. Ислоҳотларнинг бугунги босқичида фуқароларнинг фаоллиги, масъулияти янада ошиши тақозо этилмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: фуқароларнинг фаоллиги, талабчанлиги, маданияти юксалгани нималарда кўринади? Бу фазилатлар, аввало, халқ тақдири, мамлакат ҳаёти ва яқин келажагидаги муҳим воқеа — Президент сайлови жараёнларида намоён бўлади, десак, асло хато бўлмайди. Чунки инсон мамлакат раҳбарлигига муносиб номзодни танлаш масаласи ҳақида фикр юритар экан, у, биринчи навбатда, халқимиз келажаги, юртимиз истиқболи ҳақида ўйлайди, жамият миқёсида фикрлайди. Ўзининг ҳаётдаги ўрнини, танлови ва овозининг аҳамиятини тушуниб етади. Демак, Президент сайлови нафақат сиёсий жиҳатдан, шу билан бирга, ижтимоий-маънавий нуқтаи назардан ҳам муҳим воқеадир.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

**Бошланғич ташкилотлардаги тадбирларда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнига таалluқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни, аҳамияти ҳақида кенг тушунча берилмоқда.**




Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволи, ирқий ёки миллий мансублигига, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Бу қонунчилигимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланганини кўрсатиб турибди.

Демак, асосий масала сайловга оид жараёнлар қай даражада ташкил этилишига, тарғибот-тушунтириш ишларининг самарадорлиги қандай бўлишига боғлиқдир. Хўш, ана шу масалалар бўйича депутатларнинг, партия ташкилотлари мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари қандай?

**Шуҳрат Турсунбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар мамлакат Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади ва уларнинг хоҳиш-иродада билдириши устидан назорат этиш тақиқланади.

Сайловда иштирок этиш орқали фуқаро қайсидир номзодни қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз фикри, нуқтаи назари асосида номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар фаолияти ҳақида ҳам хулосасини билдиради.

Шу маънода, сайловни юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун барчамиз бирдек масъулмиз. Шунинг учун Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларни ўтказишда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлар фаол иштирок этиши талаб этилади.

Бу ўринда бир нарсани асло унутмаслигимиз керак. Биз ўтказаётган сайловолди тадбирлар самарасига, сайлов жараёнларида фуқаролар, сиёсий партияларнинг фаоллик кўрсатишига қараб, дунё жамоатчилиги мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар равнақи, халқимиз, миллатимизнинг сиёсий салоҳияти ва маданияти ҳақида муносабат билдиради.

**Ҳайдар Бобохонов, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Сайловни тегишли қонунчилик талаблари асосида, умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ ўтказиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг сайлов қонунчилиги бўйича билимларини юксалтириш масалалари жуда долзарб. Бу сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Шунинг учун сайловга пухта тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида партиямизнинг муносиб иштирокини таъминлашимиз керак. Ҳозирги кунларда аъзоларнинг сайлов бўйича сиёсий билими ва кўникмаларини ошириш, партиямизнинг ҳаётий ғояларини кенг тушунтириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Қуйи бўғин одамлар орасида фаолият юритгани учун партиямиз дастурий мақсадларини аҳолига етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда катта имкониятга эга. Демак, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатиладиган номзодни қўллаб-қувватлашда, сайловолди тадбирларини таъсирчан, самарали ўтказишда партиямиз бошланғич ташкилотларга суянади.

Пойтахтимизда партиямизнинг 1091 та бошланғич ташкилоти бор. Аъзоларимиз сони 34 минг 800 нафарга яқин. Бу катта куч ва имконият. Биз сайлов кампанияси вақтида ЎзХДПнинг ҳаётий дастурини тарғиб қилиш, одамларда фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ишларида ана шу кучдан самарали фойдаланишга, бошланғич ташкилотлар орқали одамларни мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараёнга фаол жалб қилишга интиляпмиз. Сайловолди тадбирлари партия фаоллари, депутатлар ва аъзоларимиз ҳамжиҳатлиги асосида ўтказилмоқда. Тадбирларда одамларнинг кўнглига, юрагига етиб борадиган фикрлар, мулоҳазалар билдиришга, айни пайтда жамоатчиликдан таклифлар олишга, уларнинг муносабатини билишга катта эътибор қаратиляпти.

Бошланғич ташкилотлардаги тадбирларда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнига таалluқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни, аҳамияти ҳақида кенг тушунча берилмоқда.

Тадбирлар давомида яна бир бора гувоҳ бўлдикки, бугун одамларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиш юқори. Семинарларда сайлов ва унинг аҳамияти, партия ғоялари, амалий ташаббуслари ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдириляпти, саволлар бериляпти, таклифлар айтиляпти. Бу фақат бир нарсани — мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг самараси, тақдири сиёсий партиялар фаолиятига, тадбирлар эса замон талабларига мувофиқ виждонан олиб борилишига боғлиқ эканини англатади. Ўз-ўзидан айёнки, муҳим синов олдидан тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз, сайловчилар партиямиз ғояларини чуқур тушуниб, қўллаб-қувватлашига эришишимиз керак бўлади.

*Ҳеч кимга сир эмас, демократик ҳуқуқий давлатни, кучли фуқаролик жамияти келажагини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловда одамларнинг фикри, дунёқараши юзага чиқади, мақсад-муддаолари акс этади. Демак, сайлов фуқароларнинг ислоҳотларга муносабатини, бу борада халқимизнинг кўнглини билишда асосий омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, сайлов жараёнларидаги иштирокимиз, фаоллигимизга қараб, халқимиз партиямиз фаолиятига холис ва ҳаққоний баҳо беришини доим ёдда тутишимиз зарур бўлади.*

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**■ Шоҳистахон Давидова Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайди. У ҳудудий бошланғич партия ташкилоти фаолларидан.**

# Бошланғич партия ташкилоти аъзолари

## сайловолди тадбирларида фаол қатнашмоқда

— Яқинлашиб келаётган Президент сайлови партиямиз ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этишда қулай имконият яратади, — деди **Шоҳиста Давидова бошланғич партия ташкилотининг сайловолди масалаларига бағишланган йиғилишида.** — Биз нафақат партия аъзолари, балки меҳнат жамоалари, маҳаллаларда тарғибот-тушунтириш ишларини мунтазам олиб боришимиз керак. Одамларга ҳар қандай ислоҳот замирида ижтимоий ҳимоя ғояси туришини, ЎзХДП ана шунинг учун интилишини етказишимиз лозим. Партия тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларини илгари суриб келмоқда. Биз буни қўллаб-қувватлаймиз. Фаолиятимиз, фикримиз ва қарашларимиз уйғун экан, шунга муносиб фаолият кўрсатишимиз зарур.

Ёзёвон туманидаги 33 та сайлов участкасида 65 минг 583 нафар сайловчи овоз беришда иштирок этади. Уларнинг 7294 нафари биринчи бор овоз берадиган ёшлардир.

**Бошланғич партия ташкилоти ҳудудидаги сайловчилар, айниқса, биринчи бор овоз бераётган ёшлар билан алоҳида иш олиб боряпмиз.**

— Биз бошланғич партия ташкилоти ҳудудидаги сайловчилар, айниқса, биринчи бор овоз бераётган ёшлар билан алоҳида иш олиб боряпмиз, — дейди **бошланғич партия ташкилоти раиси Лутфулла Умрзақов**. — ЎзХДП дастурини, мавзуларга бўлган ҳолда, аҳолининг ижтимоий қатламларига мослаб тарғиб қиляпмиз. Ҳудудимизда истиқомат қиладиган кам даромадли оилалар, вақтинча ишсиз аёллар, бу йил касб-ҳунар коллежини битирувчиларга тегишли масалалар соҳа мутахассислари иштирокида таҳлил қилиняпти. Уларда шунингдек, партиямизнинг Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб депутатлар, соҳа мутасаддилари иштирокида мурожаатларни ҳал қилиш чоралари кўриляпти.

— Халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан 20 нафар депутат сайланган. Бу умумий депутатларнинг 66 фоизига тенгдир. Демак, туман миқёсида биз кўтарган масалани ҳал қилишда катта имкониятга, бошқа партияларга нисбатан устунликка эгамиз, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Обиджон Юсупов**. — Мен туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилот ҳудудидан сайланганим учун ҳар гал унинг йиғилиши, тадбирларида иштирок этаман, сайловчилар қўйган муаммоларни ўрганаман. Яқинлашиб келаётган Президент сайлови арафасида бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг фаоллиги янада ортиши, депутат ва сайловчилар орасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланиши керак.

Ўзида 301 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг фаолиятида, айниқса, сайловолди жараёнларида Ёрқиной Алиева, Рўзихон Бадалова, Ҳавохон Содиқова каби аъзоларнинг жонкуярлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бугун ҳудуддаги аксарият аҳоли уларни тарғиботчи сифатида танийди.

Бир сўз билан айтганда, Президент сайлови бошланғич партия ташкилоти аъзолари учун фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш имконини яратиб бермоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

БАНДЛИК

# «Ўз ишимни йўлга қўйганимдан хурсандман»

**Бу — Зомин ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси, ЎзХДП аъзоси Дилбар Толипованинг фикри**

**■ У Зомин тумани марказидаги «Каттабоғ» маҳалласида яшайди. Касб-ҳунар коллежини битираётганда мустақил равишда иш бошлашга қарор қилди. Шу мақсадда ўзи ўқиётган коллеж раҳбариятига имтиёзли микрокредит олиш учун ёрдам сўраб мурожаат этди.**

Айни ўша кунларда туманда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика Марказий банки ва бошқа тижорат банклари ҳамкорлигида «Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум ҳамда меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Дилбар бир гуруҳ тенгдошлари билан шу форумда қатнашди ва ўз бизнес ғояси ҳақида сўзлаб берди. Натижада «Агробанк»дан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олишни кафолатловчи сертификатга эга бўлди.

— Коллежни битирганимдан сўнг кредитни олдим ва паррандачиликни йўлга қўйишга киришдим, — дейди у. — Албатта, осон бўлгани йўқ. Лекин чинакам хоҳиш-истак, интилиш билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин экан. Икки йил олдин иш бошлаган бўлсам, бугунга келиб тухум ва парҳез гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган кичик корхонамизда 8 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаяпти. Оила аъзоларимнинг ҳам ёрдами катта бўляпти. Икки йил ичида анча оёққа туриб олдик. Даромадимиз ёмон эмас. Ўз ишимни йўлга қўйишда менга кўмак берган, йўл-йўриқ кўрсатган ЎзХДП туман кенгашидан миннатдорман.

Зомин туманида ўтказилган мазкур иқтисодий форумда партиямиз электорати вакилларидан 50 нафарига мустақил равишда иш бошлаши учун имтиёзли микрокредит олишни кафолатловчи банк сертификатлари топширилган эди. Шулардан 27 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Форум якунида ташкил этилган Меҳнат ярмаркасида ишга жойлашиш учун йўлланма берилган 68 нафар фуқародан 42 нафари коллеж битирувчилари бўлди.

— Бундай иқтисодий форумлар партия дастурий мақсадларини амалга оширишга бевосита хизмат қилади, — дейди **ЎзХДП Зафаробод туман кенгаши раиси Холмурод Ережeнов.** — Шунингдек партиямиз электорати, хусусан, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар учун ҳам фойдали.

Шу ўринда бир фикрни айтишни хоҳлардим. Мустақил иш бошлаган ёшларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари эътибори чуқурроқ қаратишни ўйлаб кўриш керак. Чунки айрим қийинчиликлар, мураккабликларга дуч келинганда, депутатнинг ёрдами жуда керак бўлади. Бундай амалиёт яхши натижа беради, деб ўйлайман.

— Партиямизнинг янги Ҳаракат дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш топишга интилишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ҳар томонлама рағбатлантириш кўзда тутилган, — дейди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги **ЎзХДП гуруҳи раҳбари Солижон Қобилов.** — Шунинг учун депутатлик фаолиятимизда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз, ўз ишини очиш ниятида юрган ёшларга ёрдам беришимиз керак.



— Қизим Дилфуза туманимиздаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлади, — дейди **Зарбдор туманида истиқомат қилувчи Зулхумор Суюнова.** — Банкдан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехи очди. Ҳозирча 4 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Яқинда биринчи маошини берганида, очиғи, қизимнинг қўлидан иш келаётгани, оила даромадига улуш қўшаётганидан жуда мамнун бўлдим.

Бу йил вилоятдаги 75 та касб-ҳунар коллежини 19 минг нафарга яқин йигит-қиз битиряпти. Уларнинг аксарияти ҳозирнинг ўзида мутахассисликлари бўйича қаерга бориб иш бошлашини билади. Жойларда «коллеж-корхона» ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Албатта, битирувчилар орасида мустақил ҳолда ишлашни, тадбиркорлик билан шуғулланишни истовчилар ҳам бор. ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари бундай ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари бу масалада қатъият билан изчил иш олиб боришлари керак бўлади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# Қурултойга делегатлар сайланди

**■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгашининг пленумида партиянинг шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирокига доир масала муҳокама этилди.**

Партия вилоят кенгаши раиси К.Исобеков ва бошқалар эркин ва демократик сайловларни ўтказиш учун яратилган мустаҳкам қонуний асос ва кафолатлар, кейинги йилларда мамлакатимиз Конституцияси ва бир қатор қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайловларнинг халқаро талабларга мос ҳолда ўтишини таъминлаш билан бирга, партиялар ўртасида рақобатни кучайтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. 2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ана шу руҳда, юксак савияда ўтказилгани қайд этилди.

Пленумда партия дастурий мақсад ва ғояларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олдинда турган вазифалар белгилаб олинди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги қурултойига делегатлар сайланди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 400 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН АЪЗОСИ БОР.

■ ЎзХДП АЪЗОЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН 10 МИНГТАГА ЯҚИН БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА БИРЛАШГАН.

■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9 ФЕВРАЛИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЎзХДПНИНГ IX ҚУРУЛТОЙИГА 194 ТУМАН, ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ.

2014 йил ноябрь ойида Distractify электрон нашрида чоп этилган «Метро бекатлари сизни жамоат транспортидан фойдаланишга илҳомлантирадиган дунёдаги 17 шаҳар» рўйхатига Тошкент шаҳри ҳам киритилган



**9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

# Миллат даҳосининг тимсоли


Пойтахтимиздаги Навоий кўчаси

### ЭНГ ЧИРОЙЛИ МЕТРО БЕКАТИ

Тошкент метрополитенининг «Алишер Навоий» бекатидан ҳар куни минглаб юртдошларимиз кундалик юмушлари билан ўз манзилига ошиқади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга — ҳамманинг дилида эзгу мақсадларга интилиб яшаш, яхши ният билан эртанги куни, ёруғ келажагининг пойдеворини яратиш тилаги мужассам. Учқур поездларга шошилаётган одамлар миллий меъморлик ва замонавий архитектуранинг ноёб намунаси бўлган ушбу бекатдаги нақшларга, уларда тасвирланган Навоий асарлари қаҳрамонларига назар ташлаб, халқимизнинг бунёдкорлик даҳосига, улуғ сўз санъаткорининг бадиий закосига таҳсин айтади.

Нақшинкор гумбазлар, савлатли устунлар кишини хаёлан Навоий дунёсига, шоирнинг маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган ҳиссасини англашга етаклайди.

Йўловчилар оқими сусаймайди. Бекатда поезд кутаётган киши беихтиёр давр шиддати шошилтираётган ўз умри, бугуни ва эртаси ҳақида ўйлайди. Балки Навоий достонлари қаҳрамонларини кўриб, ёшларда саволлар туғилар, кексалар болалигини эслар, ота-оналар оиласи, фарзандлари тарбияси ҳақида ўйлар... Бу — кундалик ҳаёт манзараси. Бироқ шу манзара замирида ўз турмушини обод қилиш, халқ ғами билан яшашни эзгу мақсад деб билган одамларнинг бугунги куни ва эртаси мужассам.

Тошкент метрополитени — азим пойтахтимизнинг кўрку жамолини ўзида намоён қилувчи бетакрор кўзгудир. «Алишер Навоий» бекати дунёдаги энг чиройли метро бекатларидан биридир.

2014 йил ноябрь ойида Distractify электрон нашрида чоп этилган «Метро бекатлари сизни жамоат транспортидан фойдаланишга илҳомлантирадиган дунёдаги 17 шаҳар» рўйхатига Тошкент шаҳри ҳам киритилгани фикримиз далилидир.

Метрополитеннинг «Пахтакор» бекатидан «Алишер Навоий» бекатига ўтаркансиз, дастлаб улкан панногa кўзингиз тушади: бепоён само бағрида ёрқин юлдузлар — улуғ шоир тасаввури ва тафаккури қудрати жилваланади. «Хамса» достонларига бағишлаб ишланган нақшлар комил Инсон манзилига элтажак муборак йўл тимсоли кишида ҳайрат уйғотади. Мармар саҳндаги саккиз қиррали бурчаклар халқимиз жипслиги ва бирдамлиги ифодасидир.

— Ҳар гал шу бекатдан ўтаётганимда, Навоий бобомиз даҳосидан ҳайратга тушаман, — дейди Тошкент банк коллежи катта ўқитувчиси Розия Асраева. — Шоир илгари сурган ўлмас умуминсоний ғоялар бизни ҳанузгача тарбия қилса, унинг ижодига хос буюк санъат бизни ҳар сафар ҳайратга солади. Навоий шеърияти сеҳрининг қудрати шу қадарки, гоҳида бундай сатрларни битиш инсон қўлидан келадиган ишга ўхшамайди. Навоийнинг буюклигини англаш учун унинг исталган байтини ўқиш кифоя. Зеро, мутафаккирнинг ҳар бир байтида комил инсон ғояси, дастури мужассам.

— Бу бекатдаги нақшларни томоша қилганимда ич-ичимдан фахрланаман, — дейди Тошкент архитектура қурилиш институти талабаси Ҳусан Мадумаров. — Бекат халқимизнинг улуғ шоир меросига эҳтироми сифатида дид билан безатилган. Навоий асарларини ўқиганимда Камолиддин Беҳзод ишлаган миниатюраларни ҳам мириқиб томоша қиламан. Навоийнинг нафақат асарлари, балки ҳаёт йўли ҳам биз, ёшларга ибратдир. Бобомиз бир неча тилни билган, шаҳарларни обод қилган, одамларни яхшиликка даъват этган. Юртимиздаги ҳар бир ёш ана шу ўгитларга амал қилса, катта муваффақиятларга эришади.

### ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мамлакатимиз ҳали ўз мустақиллигини қўлга киритмаган, собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган бир даврда, яъни 1991 йилнинг январида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Ўша пайтда бешинчи-олтинчи синфда ўқиётган биз, болалар учун бу англаб-англаёлмайдиган ҳолат бўлган. Бутун йилнинг шоир номи билан аталиб, кейинчалик бу мамлакатимизда ҳар бир йилга ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга ном беришдек эзгу анъанага айланишини нафақат биз, катта авлод вакиллари ҳам тўла тасаввур қила олмаган эди ўшанда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш борасида беқиёс ишлар қилинди ва бу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Маънавиятимизни янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳада эришилган марралар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ҳам ўзиб кетганини кўрсатмоқда, буни бутун дунё тан олмоқда.

Тобора тараққий этаётган бугунги даврда ҳам ҳаётнинг мураккаб йўллари қаршисида дуч келадиган ҳар қандай саволларимизга миллий меросимиз хазинасидан жавоб топамиз. Алишер Навоийнинг замон ва сарҳад билмас адабий мероси халқимиз учун ана шундай бебаҳо маънавий хазина, битмас-туганмас бойликдир. Умрида лоақал бир марта бўлсин, Навоий ҳикматини эшитмаган, унга амал қилиш ҳақида ўйлаб кўрмаган ўзбекни топиш мушкул. Халқимизнинг бахти бутун, толеи баланд экани ҳам шунда.

### ЭНГ СЎЛИМ БОҒ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бундан йигирма тўрт йил муқаддам пойтахтимизда Алишер Навоий номи билан юритилувчи Миллий боғ барпо этилди ва улуғ шоирнинг салобатли ҳайкали қад ростлади. Мазкур муаззам боғ ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижлик сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Энди оила қураётган келин-куёвларнинг улуғ мутафаккир бобомиз ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам юртдошларимизнинг у зотга бўлган эҳтироми ифодасидир.

— Ўша йили Навоий номи билан юритилувчи боғ ва унда буюк бобомиз ҳайкалининг очилиши биз, зиёлиларни, айниқса, руҳлантириб юборди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти Равшан Жомонов. — Дўстлар билан ҳайкални зиёрат қилгани ошиқдик. Маҳобатли гумбаз остида ғазал мулкининг султони мағрур боқиб турарди. Унинг юзидан қандайдир кўз илғамас нур ёғиларди, биз, авлодларга кўп нарсаларни уқтираётганини сезиш мумкин эди. Кўзимиз гумбаздаги ёзувларга тушди. Ёзувлар ғоят бежирим, нафис ва бетакрор бўлиб, зарҳал ҳарфларда битилган эди:

**Олам аҳли, билингизким иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.**

Айни шу мисралар рус, инглиз ва араб тилларида ҳам ёзилган. Ўшанда шундай савол туғилди: нега айнан мазкур мисралар танлаб олинган? Чунки ҳазрат Навоийда бунақа ажойиб мисралар беҳисоб. Навоий наздида, инсон — олам сарвари сифатида яхлит бир тушунча. Шу сабабли ҳам инсонлар бир-бири билан дўсту биродар бўлиб умр кечирмоғи шарт. Аксинча, душманлик қилиш одамзод учун мақбул иш эмаслиги бот-бот такрорланмоқда. Инсонларнинг аҳил, тотув, иноқ яшаши лозимлиги Яратган томонидан буюрилгани уқтирилмоқда. Зеро, тинчлик ва осойишталик — энг олий неъмат. Тинчлик бор жойда тараққиёт, фаровонлик, байрамлар, тўю тантаналар бўлади.

Навоийнинг мазкур байтидан яна олам-олам маъноларни уқиб олиш мумкин. Асосий гап ана шундай дурдоналарнинг мағзини англаш, илмий-назарий жиҳатдан тўғри талқин этиш ҳамда ёш авлодга ўз вақтида тушунтириб беришда. Йиллар, асрлар ўтса-да, Навоий даҳоси, тафаккур олами бизни ўзига оҳанрабодек тортишининг боиси шунда!

Ободлик — юрт равнақи ва эл-улус фаровонлиги буюк бобомиз куйлаган муҳим сифатлардан. Азим пойтахтимизда амалга оширилган беқиёс бунёдкорликларга ҳамоҳанг равишда Миллий боғда ҳам катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Боғнинг асосий дарвозаси арка шаклида миллий услубда бунёд этилди. Тўққиз гектарли кўл атрофи обод этилди. Боғ ҳудудига дарахт кўчатлари, манзарали ўсимликлар экилиб, ўн минг квадрат метрдан ортиқ майдонда майсазор барпо этилди. Бундай ишлар самарасида Миллий боғ пойтахтимиздаги энг сўлим, осуда ва сокин масканга айланди.

Шу кунларда ҳам Миллий боғдаги улуғ бобокалонимизнинг ҳайкали пойи гуллар билан безанган. Бобомиз руҳи бу ерга келаётган ёшлар, шеърият ихлосмандлари, таълим масканлари ўқувчиларини маънавий камолотга даъват этмоқда. Навоий даҳоси, комиллик матлаби қалбларни нурга тўлдирмоқда.

### НАВОИЙ КЎЧАСИНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бундан беш-олти йил илгари бўлган киши бугун уни таниёлмайди. Боиси, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий шаҳарсозлик анъаналари асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кўчанинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Мустақиллик майдони, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз ичига олган «Маърифат маркази», Хадра майдони, Миллий театр, уларга туташ ҳудудларда олиб борилган реконструкция ишлари жараёнида йўллар кенгайтирилиб, коммуникация тизимлари тўлиқ янгиланди. Бу ҳудудларда очиқ майдонларга майса экиш, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, кўчада Навоий бобомиз номига монанд равишда маъмурий бинолар билан бирга санъат, маданият ва маърифат кошоналари тобора кўпайиб бормоқда.

Бундан икки йил муқаддам Алишер Навоий шоҳ кўчасида барпо этилган кўпқаватли замонавий уйлар кўчанинг улуғворлигини янада оширди.

Мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Яъни, аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Янги турар жой биноларида ҳам бу ҳар томонлама ҳисобга олинган.

— Юртбошимиз ташаббуси билан Навоий кўчасида кўпқаватли уйлар қурилаётганда бу уйлардан бизга ҳам насиб этармикан, деб ҳавас қилгандик, — дейди янги уй соҳибаларидан бири Манзура Мусахўжаева. — Шукрки, орзумизга етдик. Янги хонадонимиз олдинги уйимиздан бутунлай фарқ қилади. Кенг, шифтлари баланд, ёруғ ва шинам, яйраб яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси халқимиз турмуш тарзига мос тартибда лойиҳалаштирилган. Уй олдида хиёбон барпо қилинган. Кўчанинг янги қиёфаси одамларнинг нафақат турмушини, қарашларини ҳам ўзгартириб юборди. Одамлар янги уйларни кўриш, кўча ҳавосидан баҳра олиш, невaралари билан Навоий ҳайкалини зиёрат қилиш учун келмоқда. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидан, Юртбошимизнинг халқимиз манфаатларини ўйлаб юритаётган изчил сиёсати самараларидандир.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчани безаб турган кўркам уйлар — обод турмушимиз, фаровон ҳаётимиз ифодасидир. Шу уйларда улғаяётган ёшлар, шу кўчадан ҳар куни эзгу юмушлари сари отланаётган юртдошларимиз бугунги кунимизга шукроналик, эртанги ёруғ келажагимизга ишонч руҳи билан яшамоқда. Зеро, Ватанимиз буюк бобокалонимиз орзу қилганидек тобора юксалиб бормоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*




## Шамол генераторлари

**экологик соф ва хавфсиздир**

**Германия маъмурияти атом электр станцияларидан воз кечишга қарор қилганлиги барчамизга маълум. Айнан АЭСлардан воз кечиш ва янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўзига мамлакат 2030 йилгача 1,7 триллион евро миқдорида маблағ сарфларкан.**



Германиядаги «Welt» газетаси бу ҳақда маълум қилди. Мамлакатдаги охирги АЭС 2022 йилда фойдаланувдан чиқарилади. АЭСлар тоза экологик энергия манбаи бўлолмас экан, чунки унинг хавфи инсоният ҳаёти учун ўта таҳдидлидир. Шу боис ҳам Германия муқобил энергия манбаларини ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Бугунги кунда Германия шамол генераторли энергетикани ривожлантириш бўйича дунёда етакчилик қилмоқда. Дунёдаги шамол генераторларининг учдан бир қисми, яъни 21 мингдан ортиғи айнан Германия ҳудудида қурилган. Келажакда бу борадаги ишлар янада жадаллаштирилади. Яъни, 2030 йилга бориб, мамлакатда 30 фоиз энергия айнан шамол генераторлари ёрдамида ишлаб чиқарилади.

Яқин йилларда Германия ҳукумати 40 та шамол генераторли электр станциялари паркини яратишга бел боғлаган. Уларнинг 30 таси Шимолий денгизда, 10 таси эса Болтиқ денгизида қурилади. Бу денгизларда йил давомида шамол эсиб туради. Шамолнинг тезлиги ўрта ҳисобда сониясига 5 метрни ташкил этади.

Шунингдек, мамлакатда нисбатан арзонроқ ва экологик тоза ҳисобланаётган табиий газ ёрдамида ишловчи 30 та иссиқлик электр станцияси қуриш ҳам режалаштирилган.

Мутахассисларнинг фикрича, кўмирга ишловчи электр станциялари 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун атмосферага 800 грамм карбонат ангидрид чиқаради. Бу табиий газда ишловчи иссиқлик электр станцияларининг атроф-муҳитга келтирадиган зараридан икки баравар кўпдир.

## Тил билмагани учун

**жарима белгиланган**

**Латвия давлат тили маркази маҳаллий ҳокимият органларида ва муниципал йиғинларда мансабдор корчалонларнинг ўз она тилини қай даражада билишини аниқлаш учун белгиланган муддатларда текширув ўтказиб туради.**



«DELFI» ахборот агентлиги маълум қилишича, текширувда кимки давлат тили юзасидан билимини яхши намойиш қилолмаса, унга нисбатан жарима жазоси қўлланилади. Бундай ҳолатлар қайд этилаётгани ҳам бор гап. Масалан, ўтган йилларда Даугавпилс шаҳар думаси раиси ўринбосари ва депутати, Резекне шаҳар думасининг икки нафар депутати ана шундай жазо олган.

Она тилини яхши билмагани учун дастлаб 25дан 50 латгача бўлган миқдорда жарима қўлланилади. Агар мансабдор шахс жаримага тортилгандан кейин ҳам бу борадаги билимини оширмаса, унга 100 дан 200 латгача жарима солинади.

**ТАДБИР**

# Инсон манфаати — олий қадрият



**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Жиноят процессида хусусий айблов институтининг ҳолати ва уни такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигининг Тергов бош бошқармаси, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Эксперт-криминалистика маркази, Ахборот маркази, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Тошкент давлат юридик университети, шунингдек, республиканинг бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хусусий айблов институтининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилувчи бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг кенгайиши ва жабрланувчининг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Жиноят-процессуал кодекснинг 325-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида белгиланган «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», деган талабнинг жиноят-процессуал муносабатларда ўзининг кенг ифодасини топишига хизмат қилди. Натижада жиноят-процессуал муносабатларда хусусий айблов институтининг вужудга келиши жиноят ишини қўзғатиш ва жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш масаласини бевосита жабрланувчининг хоҳиши асосида ҳал этиш имконияти ҳуқуқий тартибга солинди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган 15 та жиноят тури бўйича жиноят ишини қўзғатиш ва жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш масаласини бевосита жиноятдан жабр чеккан жабрланувчининг хоҳиши асосида ҳал этиш имкониятини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқлари кенгайиб, унинг ҳуқуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Анжуманда «Хусусий айблов институтининг қонуний тартибга солиниши ва ривожланиши», «Ўзбекистонда хусусий айблов институтини ривожлантириш истиқболлари», «Хусусий айблов институтини қўллаш самарадорлигини ошириш йўллари»га оид қатор долзарб масалалар бўйича маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Конференция якунида суриштирув ва тергов идоралари томонидан амалдаги Жиноят-процессуал кодекси 325-моддасининг бир хилда ижро этилишини таъминлаш мақсадида «Қўшма кўрсатма лойиҳа»си ҳамда хусусий айблов институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



■ Ўтган йили темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида **630** миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.



■ Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга авиация орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён ўтган вақт мобайнида **200** минг тоннадан зиёд юк ташилди.



■ **2010-2014** йиллар давомида қарийб **50** минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, **14** минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, **23** минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан **6** миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.

**Футболчи майдонга тушаётганида аввало Ватани шаънини ҳимоя қилаётганини юракдан ҳис этиши, ўйинга руҳан тайёр бўлиши лозим.**

ФУТБОЛ

# ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ: ЯКУН, ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Табиийки, мухлисларни энг аввало бош мураббий фикри қизиқтиради.

**Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:**

— Биз Осиё Кубоги баҳсларида ғалабага эришишни жуда истаган эдик. Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, имкон қадар ҳаракат қилдик. Фақат Хитой терма жамоасига қарши ўтган учрашувдан кўнглимиз тўлмади. Бироқ бошқа ўйинларда бор иштиёқни намойиш этдик. Жанубий Корея футболчилари билан кечган чорак финал баҳсида ҳам ғалаба учун курашдик. Афсуски, юзага келтирилган имкониятлардан фойдалана олмадик. Бунинг учун эса терма жамоа номидан мухлислардан узр сўрайман.

Аммо Жанубий Корея терма жамоаси билан бўлган олдинги ўйинларни охиргиси билан солиштирсак, катта фарқ борлигини кўрамиз. Бу сафар биз рақибни анча ноқулай аҳволга солиб қўйдик. Лекин гол уриш имкониятларидан фойдалана олмадик.

Осиё Кубоги биз учун катта тажриба мактаби бўлди. Бир қатор ёшларимиз — Сардор Рашидов, Жамшид Искандеров, Игорь Сергеев ва Шуҳрат Муҳаммадиевлар катта тажрибага эга бўлдилар. Бу яқин келажакда ўз мевасини бериши турган гап.

Аксарият мухлислар Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўйинда Сервер Жепаров майдонга туширилмаганини танқид қилмоқда. Бу фикрга қўшила олмайман. Чунки Сервер кореялик футболчиларни яхши билгани билан, рақиб ҳам уни яхши билади. Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтган учрашувда Воҳид Шодиев майдонга тушиб, гол урди. Агар у гол урмаганида, «бу ўйинчини бекорга туширди», деган гап бўларди. Аслида футболда мураббийнинг бирор қарорини олдиндан баҳолаш қийин, натижага қараб баҳо берилади.

Кейинги йилларда ўсмирлар ва ёшларимизнинг халқаро мусобақаларда ютуққа эришаётгани, аввало, мамлакатимиз Президенти томонидан футболга яратиб берилаётган шароитлар туфайли деб биламан. Масалан, биз ёшлик вақтларимизда тайинли бир йиғин ҳам ташкил қилинмасдан, тайёргарликсиз мусобақаларга кетардик. Ҳозирги ёшлар учун эса хорижда тинимсиз йиғинлар ташкил этилмоқда. Натижада шаклланган жамоавий ўйин эвазига ютуқларга эришиляпти. Аммо токи миллий чемпионат савияси кўтарилмас экан, мақсадга эришиш жуда қийин. Олий лигага талабни кучайтириш керак. Масалан, легионерлар масаласи бизда анча ёмон. Бир вақтлар Ривалдо ўйнаган пайтда маҳаллий футболчилар ундан кўп нарса ўрганган эди. Аммо ҳозир бундай легионерлар ички чемпионатимизда йўқ.

Австралияда ўтган Осиё чемпионати терма жамоа мураббийлари учун ҳам, футболчилар учун ҳам катта сабоқ бўлди. Унда йўл қўйган хатокамчиликларни энди такрорлашга ҳаққимиз йўқ. Чунки олдинда янада жиддий ва муҳим учрашувлар турибди.

**Асқар ТОЛИБЖОНОВ, Ўзбекистон футбол федерацияси Терма жамоалар маркази раҳбари:**

— Айни вақтда терма жамоаларимиз турли мусобақаларга тайёргарлик кўришни бошлаган. Миллий терма жамоа Австралиядан қайтиб келган бўлса, ёшларимиз Таиланд қироли Кубоги халқаро турнирида иштирок этмоқда. Ўзбекистон ёшлар (U-20) терма жамоаси ҳам хорижда йиғин ўтказмоқда.

Осиё Кубоги баҳслари ҳақида гап кетганда, кўпчилик терма жамоамизнинг йирик мусобақалар олдидан кучли рақиблар билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушмаганлигини гапиряпти. Бугунги кунда Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти ҳар қандай ўртоқлик ўйини ёки йиғин ўтказиш учун шароит яратиб бера олади. Осиё чемпионати олдидан эса имкониятдан келиб чиқиб, рақиблар танлаган эдик. Европадаги жамоаларга қарайдиган бўлсак, аввало катта маблағ сўраяпти. Яна вақт ва жой масаласида ҳам келишиб бўлмаяпти.

Осиё Кубогида биз аввал гуруҳдан чиқиш, сўнгра эса ғолиблик учун курашишни вазифа сифатида белгилаб олган эдик. Афсуски, маррага бир қадам қолганда имкониятни бой бердик. Шунча қилинган меҳнатга қарамай вазифа бажарилмаса, алам қилади. Биз бу ҳолатни кўриб чиқамиз, таҳлил қиламиз. Июнь ойида 2018 йил Россияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари бошланади. Март ойидан эса ёшлар (U-22) ўртасида Осиё чемпионати саралаш баҳсларига киришилади.

Ҳаёт эса давом этмоқда. Терма жамоалар маркази айни чоғда дунёнинг ўттиз етти мамлакати футбол федерацияларига ўртоқлик ўйинлари уюштириш бўйича таклифлар билан чиққан. Шу йилнинг ўзида миллий терма жамоамиз бир қатор ўртоқлик учрашувларида иштирок этади. Жумладан, 27 мартда Жанубий Корея, орадан тўрт кун ўтиб, Япония футболчилари билан халқаро ўртоқлик ўйинларида куч синашади. Ҳар икки учрашув ҳам сафарда ўтказилади.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Ҳасан ПИРМУҲАМЕДОВ олган суратлар.



**Равшан ЮНУСОВ, футбол фахрийси, «Локомотив» БФК (Тошкент) жамоаси маслаҳатчи-мураббийи:**

— Терма жамоамизнинг Осиё чемпионатидаги барча ўйинларини ойнаи жаҳон орқали кузатдим. Тўртта учрашув тўрт хил таассурот қолдирди. Футболчи майдонга тушаётганида аввало Ватани шаънини ҳимоя қилаётганини юракдан ҳис этиши, ўйинга руҳан тайёр бўлиши лозим.

Бир пайтлар юртимизда спорт, жумладан, футбол оммавийлигини ошириш учун курашиларди. Бугун бу соҳани профессионал даражада ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Эсимда, ёшлигимизда Тошкентдаги мавжуд стадионларни санасак, қўлимиздаги бармоқлар кўплик қиларди. Эндиликда манзара буткул бошқача. Биргина пойтахтимизда бир-биридан кўркам ўнлаб стадионлар қад ростлади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан нафақат шаҳар ва вилоят марказларида, балки чекка-чекка туман қишлоқларида ҳам қанчадан-қанча спорт иншоотлари барпо этилди. Ҳар бир футбол клуби қошида болалар футбол мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Истеъдодли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эвазига бугун фарзандларимиз ўсмирлар, ёшлар ўртасидаги Осиё, жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти. Спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ғалабалари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб рағбатлантириб келиняпти. Бугун халқаро майдонда юрт шарафини юксакка кўтарган спортчи ўз халқининг ардоғида...

Терма жамоанинг ўйинлари ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Бош мураббий Миржалол Қосимов мусобақага муносиб таркибни шакллантира олганидан хурсанд бўлдим. Футболчиларимизнинг ўйин савияси ҳам аввалгиларидан кўра анча ортган. Аммо натижадан кўнглим тўлмади. Терма жамоамиз камида қитъа чемпионатининг кучли тўртлигидан жой олишга муносиб эди. Ўтказилган тўрт учрашувда футболчиларнинг бир хилда ўйин намойиш эта олишмагани эса кўпроқ мураббийлар тактикаси билан боғлиқ, деб ўйлайман. Менимча, рақиблар терма жамоамиз ўйин услубини чуқур ўрганишган, мураббийларимиз тактикаларини ёдлаб олгандек туюлди. Мусобақа давомида Миржалол Қосимовга ёрдам берган мураббийлар Александр Волков, Бахтиёр Ашурматов, Шуҳрат Мақсудовлар ўз вақтида ажойиб футболчи бўлишганини барчамиз биламиз. Аммо уларнинг мураббийлик салоҳиятини замонавий футбол талаби даражасида ошириб бориш лозим.

Мураббийларимиз футболи анча ривожланган Германия, Голландия, Испания, Италия каби давлатларга малака ошириш учун юборилса, чакки бўлмасди.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, охирги йилларда ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида яхши натижаларга эришмоқда. Аммо улар кейинги пайтларда «йўқолиб» қолаётганлиги ачинарлидир. Аҳмад Убайдуллаев, Аҳмаджон Мусаев каби мураббийлар бошчилигида халқаро майдонларда муносиб иштирок этган футболчиларимиздан кимлар ҳозир миллий терма жамоа таркибида тўп сурмоқда?! Менимча, мамлакатимиз бош жамоаси ва футбол клубларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш лозим. Ички чемпионатда айрим жамоалар бугунги натижани ўйлаб, ёшларни майдонга туширишга иккинчи даражали масала сифатида қараётганлиги ҳам бор гап. Бу борада Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси махсус лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқса, айни муддао бўларди, деб ўйлайман.

**Улуғбек МИРЗАЕВ, «Андижон» футбол клуби спорт директори:**

— Биласизми, миллий терма жамоа Осиё кубоги ўйинларига Тошкентдан учиб кетишидан бир кун олдин «Ўзбекистон» меҳмонхонасида йиғилганди. Мен ўша маҳал футболчилар билан бирга эдим. Мураббийларимиздан бири Бахтиёр Ашурматов билан жамоамизнинг Австралияда қандай натижага эришиши мумкинлиги, Миржалол Қосимов қайси ўйинчиларга кўпроқ ишонч билдириши, рақиблар ва бошқа масалаларда суҳбатлашдик. Шунда мен ўзимнинг башоратимни Ашурматовга билдирдим: — Агар футболчиларимиз чорак финалга чиқиб, кейин ортга қайтишса ҳам — бу, менимча, нормал натижа бўлади...

Энди нега бундай башорат қилганимни тушунтириб берсам. Биринчидан, гуруҳимизда менга Хитой яққол кучлидек туюларди. Бироқ биз гуруҳимиздан чорак финалга нечанчи ўрин билан чиқишимиздан қатъи назар, ё Австралия, ё Жанубий Кореяга дуч келардик. Тан олиб айтиш керак, бу икки терма жамоа ҳозирча биздан кучли. Терма жамоамиз хитойликлардан мағлубиятга учрагач, кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлди. Лекин Саудия Арабистони футболчиларини енгиб, чорак финалга чиқдик. Ҳар ҳолда Австралияга эмас, балки сўнгги йилларда биздан чўчиб қолган Жанубий Корея терма жамоасига дуч келдик. Ютишимиз учун имкониятимиз етарли эди. Аммо Жанубий Кореянинг прагматик футболи Ўзбекистондан устун келди. Германиялик мутахассис Уле Штилеке прагматик тарзда шогирдларини бир маромда, таркибдаги ва ўйиндаги катта тебранишларсиз финалгача олиб келди.

Ўзбекистон терма жамоасига эса айнан шу жиҳат етишмади, менинг назаримда. Хитой футболчилари билан ўйиндан сўнг таркибда бирданига амалга оширилган бир нечталаб ўзгаришлар, кейинчалик эса нимагадир бу муваффақиятли ўзгаришларга охиригача амал қилмаслик... Менимча, Жанубий Корея терма жамоаси билан баҳсда қанотларда Жасур Ҳасанов билан Сардор Рашидовни қўяверииш керак эди. Бундан ташқари, енгилиб турган пайтимизда майдонда, албатта, бўйдор Воҳид Шодиевнинг пайдо бўлгани зўр бўларди. Ахир, сўнгги дақиқаларда рақиб жарима майдончасига ҳаволатиб оширилган тўп узатишлар ҳеч қандай наф бермади.

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ, Ўзбекистон телерадио компанияси Sport телеканали шарҳловчиси:**

— Терма жамоамизнинг ўйинлари бири-бирига ўхшамади. КХДР футболчилари билан учрашувнинг ўзида жамоамиз ўйинига баҳо бериш бироз мушкул бўлди. Ўша куни омад бизга кулиб боқди. Тўғри, Миржалол Қосимов шогирдлари кўплаб ҳужумлар уюштирди. Лекин ўйин якунланиб бораётганда Нестеров дарвозамизни голдан сақлай олмаганида, Ўзбекистон терма жамоаси уч очко ўрнига бир очко билан кифояланишга мажбур бўларди. Иккинчи учрашув натижаси жамоамизда авлодлар алмашинуви вақти келганини яққол кўрсатди. Хитойликлардан мағлуб бўлгач, таркиб ўзгарди. Гуруҳда охирги ҳал қилувчи учрашувда Саудия Арабистони терма жамоаси билан баҳсда ишимиз юришди. Деярли ҳар бир чизиқда иқтидорли ёшларимиз борлиги кўринди. Рашидовнинг тезкор голи арабларнинг режаларини бузиб юборди...

Кимга қандай билмадим, бироқ термамизнинг мусобақадаги охирги икки ўйини менда илиқ таассурот қолдирди. Футболчиларимиз чинакамига футбол ўйнади. Жанубий Кореяга қарши учрашувда ҳам бизникилар рақибдан яхшироқ ҳаракат қилди, назаримда. Буни ўйиндан сўнг рақиб жамоа бош мураббийи ҳам тан олди.

Бугунги натижани аввалги қитъа чемпионати билан таққослаш ноўрин. Ҳар сафар муайян шарт-шароитдан келиб чиқиб баҳо берган мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, жамоамизнинг иштирокини қониқарли деб баҳоласак бўлади. Асосийси, ёшларга қўрқмасдан ишонч билдиришимиз зарурлиги яна бир бор исботини топди.

**Азизхон АКБАРОВ, www.uff.uz веб-сайти раҳбари:**

— Мен ўйинларни бевосита Австралия стадионларида кузатишга муяссар бўлдим. Терма жамоамиз бир тану-бир жон бўлиб ҳаракат қилгани мени қувонтирди. Тўғри, Ўзбекистон «плей-офф» босқичининг илк ўйинидаёқ мағлубиятга учради. Аммо, ўша ўйинда футболчиларимиз Осиёнинг энг номдор жамоасига қарши тўп сурди ва охиригача кураш олиб борди. Бироқ, омад Жанубий Корея терма жамоасига кулиб боқди.

Футболимизда ўсиш бор. Уни кўряпмиз, ҳис қиляпмиз. Мураббийларимиз терма жамоани шакллантиришга эришган. Ҳали қилинадиган ишлар кўп бўлса-да, биз тўғри йўлдан кетаётганимизга гувоҳ бўлдим.

**Мирзабурхон ДЎСТМУРОДОВ, «Металлург» (Бекобод) футбол клуби шифокори:**

— Терма жамоамизнинг Осиё чемпионатидаги ўйинларини кузатар эканман, тиббиёт — спортнинг ажралмас бўлаги эканлигига яна бир карра амин бўлдим. Чорак финалда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўйинда жароҳатланган Одил Аҳмедовнинг бошланғич таркибга киритилгани якунда бош мураббий Миржалол Қосимов учун етарли бош «оғриқ» бўлганлигини барчамиз кўрдик. Етакчи футболчимизнинг руҳан тайёргарлигидан кўра, унинг саломатлиги қай ҳолатда эканлигини терма жамоа шифокори мураббийларга ўз вақтида билдирганида таркиб ва тактика мутлақо бошқача кўриниш олиши мумкин эди.

Бундан 10-15 йил муқаддам кўпчилик мамлакатимизда махсус спорт соғломлаштириш-тиббий маркази бўлишини орзу қиларди. Бугун бу борада бирорта муаммо йўқ. Пойтахтимизда «Футбол-Мед» тиббиёт маркази спорт клубларимизга хизмат қилмоқда.

Афсуски, футболчилар саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ишлари барча жамоаларда ҳам тўғри йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Юртимизнинг етакчи уч-тўрт жамоасини ҳисобга олмаганда, футбол шифокорлари иши қониқарли эмас. Мисол учун, футболчилар бир йилда икки маротаба тиббий кўрикдан ўтиши шарт қилиб қўйилган. Аммо маълумотларга қараганда, айрим жамоаларда бундай кўриклар номига ўтказилмоқда. Баъзи жамоаларда футболчиларни қувватлантирувчи витаминлар тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмайди.

Миллий терма жамоамиздан кўнгилдагидек натижа кутишимиз учун, аввало маҳаллий клубларимизда тиббий соҳа фаолиятини тўғри йўлга қўйишимиз лозим, деб биламан.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Ўйин якунланиб, натижа аниқ бўлгач, маслаҳат бериш, бошқача айтганда, ақл ўргатиш осон. Ҳар ким ўз тажрибаси, салоҳиятидан келиб чиқиб фикр юритади. Агар улар айтганидек, йўл тутилса, эҳтимол натижа янада кўнгилсиз бўлиши мумкин.*

*Фалон футболчи ўрнига бошқасини тушириш керак эди, фалончини бекор алмаштирди... Мутахассислар ҳам, мухлислар ҳам ўз таклифларини тўғри, деб ҳисоблашади. Аммо айнан ўйин куни қайси футболчи қандай ҳолатда экани, жамоанинг ички аҳволини бошқалардан кўра кўпроқ бош мураббий яхши билади. Ҳар бир ўйинчининг характери, жисмоний имконияти ҳам унга маълум.*

*Бироқ бош мураббий ҳам адашиши, хато қарор қилиши мумкинлиги кўп кузатилган. Демак, ўзаро фикрлашиш, баҳс юритиш хатоларни аниқлашга хизмат қилади. Мақсадимиз ягона — футболимизни янада ривожлантириш, терма жамоамизни кучайтириш. Жаҳон чемпионатига йўлланма олиш!..*

ТАДБИР

**Тошкентда «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда журналистларнинг масъулияти» мавзусида давра суҳбати ҳамда «Инсон ҳуқуқлари — журналистлар нигоҳида» Республика танлови ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.**

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ

### ҳимоя қилиш — долзарб масала

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало, инсон қадр-қимматини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли экани қайд этилди.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги фаоллиги ва масъулиятини янада ошириш, тегишли вазирлик ва идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича иш олиб бораётган ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Давра суҳбатида, шунингдек, бу борада олиб борилаётган ишлар, режа ва мақсадлар, бартараф этилиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳақида сўз борди. Журналистик текширув олиб бориш, журналистнинг қонуний фаолиятига аралашишга йўл қўймаслик каби масалаларда берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Тадбир якунида «Инсон ҳуқуқлари — журналистлар нигоҳида» танлови ғолиблари тақдирланди.

**Аҳмад ЮСУПОВ**

**ОБ-ҲАВО** 7-8.2 — 2015

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | -3 / -8 | +3 / +8 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | 0 / -2 | +5 / +10 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +2 / +7 | +5 / +10 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари | +2 / +7 | +5 / +10 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари | -3 / +2 | +3 / +8 |
| Тошкент шаҳри | +3 / +5 | +7 / +9 |



**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +8 / +9 |
| Париж | +6 / +8 |
| Москва | -2 / 0 |
| Мадрид | +7 / +11 |
| Пекин | +3 / +3 |
| Канберра | +31 / +34 |
| Рим | +13 / +13 |
| Афина | +16 / +14 |
| Стокгольм | +1 / -2 |
| Кейптаун | +28 / +27 |
| Қоҳира | +26 / +21 |

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) томонидан 2003 йил 30 июнда Эргашев Муродбек Икромович номига берилган рўйхат рақами №155, BN№107881 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
20926 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 23.45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6